Ушбу сонда:
2 Ижтимоий ҳимоя РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИДА
3 ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ
4 ТАБОБАТ РАМЗИ акс этган китоб

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 июн, шанба №100 (1114)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН «МЕРДЕКА» КУБОГИ ФИНАЛИДА

Ўзбекистон клублари терма жамоаси Малайзияда ташкиллаштирилган «Мердека» кубоги беллашувларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Гуруҳ баҳсларидаги барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган ҳамюртларимиз ярим финалда Баҳрайн терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Ушбу учрашувда футболчиларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга йўлланма олди. Рақиб дарвозасига тўпларни Б.Саидкамолов киритди.

Финалда юртдошларимиз Босния ва Герцоговина терма жамоасига қарши майдонга тушади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,4 баравар;

барча турдаги пенсиялар - ўрта ҳисобда 1,45 баравар оширилсин.

2. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи - ойига 3430 сўм; ёшга доир пенсия - ойига 6780 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич /нулинчи/ разряд - ойига 3430 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 6780 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 4110 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2001 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур Фармонда иш ҳақи 1,4 баравар оширилиши кўзда тутилганлигини ҳисобга олиб, врачлар, кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари иш ҳақининг янги миқдорларини, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилишини тасдиқласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2001 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2001 йилнинг 1 августига қадар амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган зарур ўзгартиришларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги ПФ-2644-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 29 июн

Қарор ва ижро

ШОЛИКОР ҲАҚИ ДАЛАДА БЕРИЛЯПТИ

Икки йилдирки, Амударёнинг қуйи қисмида сув тақчиллиги давом этмоқда. Бу айниқса шоликорлар учун жиддий қийинчилик туғдирди. Натижада шоли экиладиган майдонлар кескин қисқарди. Айни кунларда Қорақалпоғистоннинг асосий шоли ва полиз-сабзавот етиштирувчи ҳудуди — Нукус тумани деҳқонлари ҳар томчи сувдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяптилар.

Туманда асосан уруғлик шоли экишга қарор қилинди. Бу вазифа Қиронтоғ этакларидаги «Шўртанбой» ва «Кердер» ширкат хўжаликлари аъзолари зиммасига юклатилди. Хўжаликлар далаларини обиҳаёт билан таъминловчи «Рисовий» каналига июн ойининг бошларида оқар сув келиши билан экиш ишларига жадал киришилди.

Хўжаликда икки минг гектаргача майдонга уруғлик шоли экиш кўзланган эди. Деҳқонларга Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан ҳар томонлама амалий кўмаклар берилаётгани эътиборга олиниб, шолипояларни икки ярим минг гектарга етказиш имкониятлари излаб топилди.

Деҳқонлар ва механизаторларга, мутахассисларга етарли шарт-шароитлар яратилаётгани боис дала ишларининг бир маромда юргизилиши мумкин бўлди. Ҳар бир бригадада иссиқ овқат ташкил этилган, техника хизмати йўлга қўйилган. Экишда иштирок қилаётганларга иш ҳақи дала бошига келтириб берилаяпти. Далаларда меҳнат қилаётганлар яшаш ва ишлаш шароитларидан кўнгиллари тўқ. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига биноан ҳар бир оила етарли миқдорда озиқ-овқат билан таъминланган. Қудуқлар қазилиши, қўл кранлари ўрнатилиши натижасида ичимлик суви таъминотида узилишга чек қўйилди. Бу борада туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббускорлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига жавобан жойларда кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Куни-кеча Сурхондарё вилоят ҳокимлиги томонидан Оролбўйи меҳнаткашларига инсонпарварлик ёрдами жўнатилди. Қорақалпоғистонликлар юборилган 200 тоннага яқин пиёз, картошка, карам, ҳўл мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини катта миннатдорчилик туйғуси билан қабул қилиб олдилар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Болалар ёзи — катта имтиҳон

Яккабоғ туманидаги Майна Ҳасанова номли оромгоҳ Қизилдарё ёнида жойлашган бўлиб, 30 йилдан буён фаолият кўрсатиб келарди. Ўтган йили иқтисодий қийинчиликлар туфайли оромгоҳ ёпиб қўйилди.

ОРОМГОҲ ҚАЙТАДАН ИШ БОШЛАДИ

«Косонёғэкстракция» заводи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ушбу сўлим масканни обод қилиш, яна болаларни ҳордиқ чиқариш жойига айлантиришга аҳд қилишди. Тез орада 8 та болалар ётоқхонаси, 700 ўринли ошхона, кинотеатр, спорт ўйингоҳи, чўмилиш ҳавзаси, тиббиёт пункти, кутубхона ва бир қанча бинолар сифатли таъмирдан чиқарилди. Керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Мавсум олдидан 40 нафарга яқин тарбиячи ва етакчилар танлаб олинди. Оромгоҳ жорий йилнинг 1 июнидан ишга туширилиб, ёз мувсумининг дастлабки ойида 573 нафар бола мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Айни вақтда 520 нафар бола мароқли дам олмоқда. Турли тарихий обидаларга экскурсиялар уюштирилмоқда.

Завод касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан биринчи мавсумда ишчи-хизматчиларнинг 126 нафар фарзанди бепул дам олди. Мавсум охирига қадар яна 400 дан зиёд ишчи-хизматчилар фарзандлари шундай имкониятдан фойдаланишлари режалаштирилган.

Бош тарбиячи Муборак Мўминова, тарбиячилар Алишер Жўманов, Ойдин Йўлдошеваларнинг ташкилотчилиги туфайли ўғил-қизлар дарё ва табиат қўйнига сайр ҳам қилмоқдалар.

Х.ТЎРАЕВ.

125 ЁШЛИ МУЗЕЙ

Пойтахтимиздаги Давлат табиат музейи Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги 68 музейнинг энг кексаси ҳисобланади. 1876 йилнинг 12 июлида иш бошлаган музей мамлакатимиз табиатининг энг нодир намуналарини жамлаган.

125 ёшли илмий-маърифий муассаса мустақиллик йилларида ҳам шаклан, ҳам мазмунан тамомила янгича қиёфа касб этди. Музей заллари қайтадан таъмирланиб, янги экспонатлар билан бойитилди.

- Музейимизда тўрт бўлим мавжуд: флора-фауна, геология-география, илмий-маърифий ва фонд бўлими, - дейди музей директори Эргаш Исломов. - Фондимизда 400 мингдан зиёд намуна бор. Булардан 350 минги ҳашоратлар. Бу - Марказий Осиёдаги энг йирик энтомология коллекцияси бўлиб, хорижлик сайёҳ ва мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айни кунларда барча ўқув даргоҳларида ёзги таътил бошланди. Музей ходимлари шу боис ёшларни, шунингдек шаҳар аҳолисини Ватанимиз табиати билан яқиндан таништиришни давом эттириш ниятида маданият саройлари, истироҳат боғлари, маҳалла ҳамда дам олиш масканларида кўчма кўргазмалар ташкил этиш, учрашув ва суҳбатлар ўтказишга киришди.

Наманган вилояти деҳқонлари давлатга дон сотиш йиллик топшириғини бажарди. Қабул пунктларига 213 минг тоннадан ортиқ сара дон топширилди. Уруғлик дон тайёрлаш вазифаси ҳам муваффақиятли уддаланди.

НАМАНГАНЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари қўлланиши, агротехника қоидаларига қатъий риоя этилиши деҳқонларга ҳар қачонгидан ҳам юқори ҳосилдорликка эришиш имконини берди. Ҳосилдорлик ҳар гектардан ўртача 38,3 центнерни ташкил этди. Ўнлаб хўжаликларда бу кўрсаткич қарийб икки баробар кўп бўлди. Учқўрғон тумани ғаллакорлари эса ҳар гектардан 55,1 центнер ҳосил олиб, бу борада биринчиликни қўлга киритди.

Поп, Норин, Тўрақўрғон туманлари ғаллакорлари ҳам самарали меҳнат қилиб, вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга ғалла сотишни якунлади. Йиғим-терим мавсуми охиригача Наманган вилояти миришкорлари давлатга яна қўшимча 10 минг тонна ғалла сотиш ниятида.

(ЎзА).





Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани ғаллакорлари бу йил юқори натижаларга эришдилар. Айниқса, фермерлар, пудратчилар баракали хирмон кўтаришди. Жумладан, Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги пудратчиси А.Шоймардонов гектар ҳосилдорлигини 65 центнерга етказди. Муваффақиятга эришишда ўрим-йиғимда иштирок этганларга қулай шарт-шароитлар яратиш, илғорларни муносиб равишда рағбатлантириш муҳим рол ўйнади.

Суратларда: ангорлик моҳир ғаллакор (юқоридан) А.Шоймардонов; Хазорасп туманидаги «Хазорасп» ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият юритаётган тажрибали фермер С.Юсупов.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ, Р.ЖУМАНИЁЗОВ, (ЎзА) олган суратлар.

Иш икки сменада ташкил этилган жамоада

ХЎЖАИКОН БОЙЛИГИ

Сурхон воҳаси мамлакатимизнинг табиий бой минтақаларидан. Биргина Шеробод туманидаги Хўжаикон туз конида бир кунда 500 тонна техник ва 120-150 тонна атрофида ош тузи ишлаб чиқарилмоқда. Шу йилнинг 5 ойида эса 45 минг тонна техник туз, 15 минг тонна ош тузи буюртмачиларга жўнатилди.

Ош таъми туз билан дейдилар. Қолаверса, у инсон саломатлиги учун ҳам жуда муҳим. Кунлик рўзғоримизда энг зарур бўлган ош тузига талаб йилдан йилга ошмоқда. Шу боис «Хўжаикон-туз» жамоаси аҳоли эҳтиёжини шу неъматга тўла қондириш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Бу ерда иш икки босқичда ташкил этилган. Ишловчилар икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Улар ишга келиб-кетишлари учун транспорт ажратилган. Жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишчига махсус кийим-бош тарқатилган. Зарарли шароитда меҳнат қилаётганларга корхона ҳисобидан мунтазам сут-қатиқ маҳсулотлари берилади.

— Бизда ҳар бир ишчининг оилавий шароити касабақўмнинг доимий назоратида, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Абдумўмин Бобожонов. — Кам таъминланганларга ўтган ойларда 2,5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ишчиларимиз учун душ, сауна ва дам олиш хоналари мавжуд. Маданий дам олишларига ҳамма шароит яратилган.

Инсон саломатлигини асраш, меҳнат қобилиятини ошириш каби масалалар мазкур корхонада алоҳида эътиборда. Чунончи, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамият қошидаги 50 ўринли сиҳатгоҳнинг замон талабларига мос равишда фаолият кўрсатишини йўлга қўйди. Бундан барча мамнун.

Ишчилардан Рўзимурод Каримов, Боймурод Холмуродов, Тўра Қодировлар кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатишмоқда. Бу ишлаб чиқаришда яхши самара бераётир.

Энг муҳими, жамоа аъзолари мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи арафасида янада ғайрат-шижоат билан тер тўкишяпти. Кўрсаткичларнинг ўсиши, олинаётган даромад салмоғи ошаётгани бундан яққол далолат бериб турибди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

ХАЛҚАРО ГРАНТЛАР ЁРДАМИДА

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида узлуксиз ўқув жараёнини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Бу борада Ўзбекистон Миллий университетида талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда бу ерда очилган Ўқув-ахборот маркази ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. У мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир неча халқаро жамғарма томонидан ажратилган грантлар ҳисобига зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

- Бундан икки йил муқаддам TASIC дастури доирасида университетимизнинг саккизта факультети оптик толали алоқа тизими орқали бир-бирига уланиб, маҳаллий компьютер тармоғи тизими яратилган эди,- дейди Марказ директори А.Каримхўжаев. - Янги Марказ ана шу тизимни бирлаштириш натижасида ташкил этилди.

Марказ университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларини ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш, уларга услубий-илмий маслаҳат ва тавсиялар беришни, айни вақтда жаҳон илм-фанида эришилаётган энг сўнгги янгиликлардан тезкорлик билан хабардор қилишни таъминлайди. Шу мақсадда Интернет тизими хизматидан кенг фойдаланилади.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА НАФИ

Жаҳондаги йигирмадан зиёд мамлакатга ўз толасини етказиб бераётган Наманган вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси корхоналари фаолиятида ибратомуз ишларни учратиш мумкин. Жумладан, фақат ўтган йилнинг ўзида бирлашма тизимида тайёрланган 70200 тоннадан ортиқ пахта толаси АҚШ, Буюк Британия, Франция, Швейцария, Испания, Белгия каби дунёнинг 12 мамлакатига экспорт қилинди. Буюртмалар жаҳон андозаларига мос тайёрланганлиги туфайли маҳсулот сифатига ҳеч қандай эътирозлар билдирилмади. Шу ўринда Чортоқ, Чуст ва Қўғай пахта тозалаш корхоналарининг бу борадаги саъй-ҳаракат, изланишлари айниқса, эътирофга лойиқдир. Бунга Мадридда ўтказилган халқаро кўргазмада улар меҳнатига юқори баҳо берилиб, «Олтин юлдуз», «Олтин глобус» совринларига муносиб кўрилганини мисол қилиб келтирса бўлади.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Аввало, юқоридаги каби ижобий силжишлар, катта ўзгаришлар меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати маҳсулидир. Иккинчидан эса, ташаббускорлиги, талабчанлиги, касбига фидойилиги билан кўпчиликни ўз ортидан эргаштира олган бирлашма раиси Маҳмуджон Ғаниевнинг ҳам салмоқли улуши бор. Ҳозирги кунгача унинг номига ёзилган ихтирочилик бўйича юздан зиёд муаллифлик гувоҳномаси соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Янаям аниқроқ қилиб айтганда — қайта ишланаётган пахта сифатини яхшилаш, оғир қўл меҳнатидан халос бўлиш, электр энергиясини тежаш, иқтисодий самарадорликка эришиш каби долзарб масалаларни қамраб олган ушбу ихтиролар ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Уларнинг аксариятини муаллиф мустақиллик йилларида яратганлиги эса, жамиятимизда фан ва техника имкониятларидан фойдаланишга ниҳоятда жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир. 1995 йилда «Энг яхши ихтирочи» деб топилиб, кумуш медал соҳиби бўлган М.Ғаниев элим деб, юртим деб ёниб яшаб, меҳнат қилаётган ўн минглаб замондошларимиздан биридир.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бирлашма бундай юқори кўрсаткичга маъмурият ва касаба уюшмаларининг ташаббускорлиги, ташкилотчилигидан ташқари, меҳнат аҳлига яшаш ва ишлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя қилиш орқали ҳам эришяпти. Айни пайтда бу ерда сал кам 5300 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 20 минг сўмданга тўғри келаётир. Ишчи-хизматчилар мунтазам бепул иссиқ овқат, сут-қатиқ, кийим-бош билан таъминланаяпти. Нанай қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган дам олиш масканида маззмунли дам олишяпти. Соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун қулай шароитлардан фойдаланишмоқда.

Ишловчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда қўшимча кичик корхоналар ҳиссаси айниқса, баракали бўлаётир. Чунончи, бирлашма тасарруфидаги Чуст пахта тозалаш корхонаси жамоаси тажрибаси кенг оммалаштиришга арзигуликдир. Бу ерда тикувчилик буюмлари билан бир қаторда мамлакатимиз ташқарисида ҳам донғи кетган дўппи ва пичоқлар тайёрланмоқда. Корхона бош муҳандиси А.Дўсматов, илғор ишчилардан К.Зоҳидов, Ю.Толиповлар бу ютуқларни янада кўпайтиришда бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

Чортоқ пахта тозалаш корхонасида тикувчилик цехи фаолият кўрсата бошлаши муносабати билан 100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу — қишлоқ ёшларининг янги касб-ҳунарларни эгаллашларига омил бўлди.

Юқоридаги каби хайрли тадбирларнинг амалга оширилиши корхоналарнинг қўшимча даромад топишлари ва уни ишловчиларнинг моддий, маиший талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадларига сарфлаш имконини бераётир. Яшаш ва ишлаш шароитидан кўнгли тўқ ишчи эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун бор имкониятини ишга солаётир. Жаҳон бозорига чиқишнинг йўлларидан бирини ана шу жиҳатлар билан боғлаш ўринли бўлса керак.

Йўлбошчимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган пурмаъно сўзлари бирлашма жамоаси ҳаётида ўз ифодасини топаётганлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки бирлашма маъмурияти вилоят марказидаги «Тез тиббий ёрдам» шифохонасини ҳомийликка олиб, 26 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Унинг туманлардаги нуқталарига эса, 22 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ўтказилди. Бундан ташқари оталиққа олинган Наманган шаҳар болалар ижодий марказига 208 минг, 39-умумтаълим ва 60-мактаблар учун 654 минг, вилоят юқумли касалликлар шифохонасига салкам 1 миллион, Носирбоев номли маҳалла қўмитаси учун қарийб 500 минг, вилоят ўлкани ўрганиш музейини моддий қўллаб-қувватлашга 232 минг, Бобур номли маданият ва истироҳат боғини ободонлаштириш учун 320 минг сўмлик маблағ сарфланди.

«Оромгоҳ» маҳалласига қарашли ҳамда Амир Темур кўчаларини таъмирлаш мақсадларига жами 3 миллион 216 минг сўм ўтказилгани ҳам бирлашма жамоа аъзоларининг саховатли ишларга нақадар катта эътибор бераётганидан далолатдир.

Юқорида келтирилган далиллар барча қилинган савобли ишлар шулардан иборат экан, деган тасаввурни туғдирмаслиги керак. Чунки. уларнинг вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларига ҳомийлик қилгани, маҳалла ҳамда Умид жамғармаларига беминнат ёрдамлари, ногиронлар жамияти ва чернобилчилар уюшмасига кўрсатган мурувватлари тўғрисида ҳали гап очганимиз йўқ.

Абдунаби МАННОПОВ,
Ҳусанбой БЎРОНОВ.

Ижтимоий ҳимоя

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИДА

амалга оширилаётган ишлар барчани мамнун этмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори Қашқадарё вилоятида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Қарши шаҳрининг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази жамоаси ўз бурчини виждонан адо этиб келмоқда.

Биз марказга етиб келганимизда жамоа раҳбари Соҳибназар Рустамов палаталарни айланиб юрган экан. У даволанаётган ҳар бир киши билан самимий суҳбатлашиб, соғлиғини, етишмовчиликларини суриштириб, ён дафтарига ёзиб оларди.

С. Рустамов тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди. Мана бир неча йилдирки, вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказига директор.

— Марказ 1998 йилнинг март ойидан буён фаолият кўрсатиб келади, - дейди у. — Мақсадимиз битта — ногиронларни тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалашдан иборат.

50 ўринга мўлжалланган марказда 2 та бўлим ишлаб турибди. Уларнинг биттаси Қарши шаҳрида, иккинчиси Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг оромгоҳида жойлашган. 7 нафар врач, 20 та ўрта тиббиёт ходими беморлар соғлиғини тиклаш йўлида астойдил хизмат қилмоқда.

Вилоятда 70 мингга яқин ногиронлар қайд қилинган. Уларнинг 16 мингтаси болаликдан ногирон. Ҳозирга қадар реабилитация марказида 2,5 мингдан ортиқ киши ўз соғлиғини тиклади. Даволанувчилар учун 16 хилдаги физиотерапик асбоблар, тана ҳаракати касалликларини жисмоний машқлар билан даволовчи, Япония ва Тайвандан келтирилган ускуналар бор.

Бўлим бошлиқлари олий тоифали шифокорлар Мели Жалилов, Рўзибой Содиқов, Рашид Жўраев, ҳамширалар Райҳон Ўринова, Шоҳиста Хўжанова, Фарида Жўраева, Хосият Назарова, уқаловчи Элмира Шайдулиналарнинг хизматидан ҳамма мамнун. Қўли гул ошпаз Мамлакат Жабборова тайёрлаётган ширин таомлар даволанувчиларга манзур бўлмоқда.

— Иккинчи жаҳон урушида бир оёғимдан ажралган эдим, - дейди марказда даволанган деҳқонободлик иккинчи гуруҳ ногирони Жаббор бобо Худойбердиев. — Ногирон оёғимга протез қўйдирдим.

Марказда даволаниб чиққан китоблик Содиқ Саидов, қамашилик Холжиға Ашурова, яккабоғлик Хуррам Оқмирзаев каби мижозлар шифокорлар хизматидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Яқинда хайрли ишга қўл урилди. Марказда протез маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил декабрда қабул қилган «Ногиронлар учун замонавий протезлар индустриясини яратиш дастури» асосида вилоят мутахассислари Республика меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Отто-Бокк» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Тошкент ортопедия реабилитацияси» корхонасида яқинда марказ ходимларидан бир гуруҳи бўлиб, иш жараёнларини чуқур ўргандилар.

Дилшод Кичкинаев раҳбарлик қилаётган корхонада 12 киши ишламоқда. Айниқса Фойиб Азизов, Фахриддин Набиев каби усталар томонидан тайёрланаётган оёқ ва қўл протезлари сифатли, қулай ва енгиллиги билан ногиронларга маъқул бўлмоқда.

Кейинчалик корхонада ясси товонлиларга махсус мосламалар, маймоқ оёқларга ортопедик пойабзал ва бошқа протез маҳсулотлари тайёрланади, бўғинларни маълум вақтда ҳаракатлантирмаслик учун белга тутқич корсет ясаш йўлга қўйилади.

Ҳар йили марказ ишини йўлга қўйиш учун 16-20 миллион сўмлик маблағ сарфланмоқда. Кези келганда бир гапни айтиш лозим - марказ қошида гилам тўқиш, суратқашлик, бичиш-тикиш цехлари ташкил этилган. Уларда 50 нафардан ортиқ ногирон ишлаяпти. Топилган қўшимча маблағ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш учун ишлатилмоқда.

— Энди ногиронлар протез маҳсулотлари излаб Тошкент ва бошқа шаҳарларга бориб юрмайдилар, - дейди марказ раҳбари. — Буюртмалар шу ернинг ўзида қисқа муддатда тайёрлаб берилади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Қўнғирот ун заводи» хиссадорлик жамияти амалдаги йил ярмини меҳнатда қувонарли ютуқлар билан якунлади. Корхона ярим йиллик шартномавий режани анча ортиғи билан бажарди. Олинган соф фойда қўшимча кичик корхоналарни қуриб, янги иш ўринларини вужудга келтириш, тайёр товарлар ишлаб чиқариш имконини берди. Фақат шу йилдагина тикув цехи, «Винклер» фирмаси асбоб-ускуналари билан жиҳозланган макарон кичик корхонаси, ошхона фойдаланишга топширилди.

ТУШЛИК БЕПУЛ

— Бундай ютуқлар ҳар бир ишловчига қулай шароитлар яратиб бериш, уларнинг манфаатдорлигини ошириш, пировардида масъулиятни кучайтириш натижаси бўлди, — дейди хиссадорлик жамияти раҳбари Чингиз Адигамов. — Даставвал мулк шакли ўзгариб, ходимларимизнинг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгариши учун жон куйдиришига эришдик. Буюртмачиларимизнинг бизга бўлган ишончи мустаҳкамланди.

Ҳақиқатан ҳам, хиссадорлик жамиятида ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилаётгани айни муддао бўлаётир. Жамоа аъзолари фарзандлари учун болалар боғчаси мунтазам ишлаб турибди. Ишчилар ошхонасида эса тушлик бепул этиб қўйилган.

Ёрдамчи хўжалик ривожига ҳам эришилмоқда. Жумладан, 9 минг бош паррандa-ю жўжа ветеринария қоидалари асосида парвариш қилиниши натижасида ҳар куни ярим минг донагача тухум олинаётир. Уларнинг кўп қисми ишчилар ошхонасига топширилади.

Шунингдек, 23 бош қорамол жамоа аъзоларини, кам таъминланган оилаларни, муҳтожларни сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда қўл келаётир.

А. ИСКАНДАРОВ.

Ташаббус

Пахтакор туманидаги «Самарқанд» ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли «Анвар-А» фермер хўжалигининг даромади йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўтган йил натижалари ҳам чакки бўлмади. Пахта ва ғалладан 6 миллион сўм соф фойда олинди.

ҚЎРҒОНДА ЁШЛАР ХИЁБОНИ

Фермер хўжалиги ишчиларининг меҳнатдан сўнг мароқли дам олишлари учун шароитлар яратилган. Ҳашар йўли билан дала бошида мўъжазгина шийпон қурилиб, унинг атрофига минглаб туп терак кўчатлари ўтказилган. Дала шийпонида энг зарур шароитлар мавжуд.

— Фермер хўжалигимизга керакли барча техника воситаларини сотиб олганмиз, - дейди фермер А.Эшматов. — Ҳайдов трактори, ғўзага ишлов берадиган техникамиз етарли. Ўтган йили даромадимиз эвазига «ГАЗ-31» енгил машинаси сотиб олдик. Ишчиларимиз далага шу машинада қатнашади. Илгарилари чет эл фермерларидай машинада дала айланишни ҳеч ҳам тасаввур қилмагандим.

Истиқлол туфайли менга ҳам шундай имконият яратилди.

«Анвар-А» фермер хўжалиги аъзолари бирлашма қўрғонида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 3 тасига моддий ёрдам бериб келаётганини ибратли ишлар сирасига қўшиш мумкин. Мактабдаги битирув кечаларининг мазмунли ўтказилиши учун йилига 100 минг сўм атрофида маблағ ажратилаяпти.

Фермер хўжалиги аъзолари яқинда қўрғон ҳудудидаги ташландиқ жойда «Ёшлар хиёбони» барпо этиш ташаббуси билан чиқдилар.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Иқтисодиётни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири бу кичик ва ўрта тадбиркорликни йўлга қўйишдир. Буни теран англаган бағдодликлар қатор ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Хусусан, туман тайёрлов идораси қошида очилган янги цех ҳам давр талаблари асосида бунёд этилди. 13 нафар йигит-қизни иш билан таъминланди. Сифат жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайдиган маҳсулотларнинг харидорлари кундан-кунга ортиб бормоқда.

Суратда: Бағдод тумани тайёрлов идораси қошида жойлашган пойабзал цехининг илғор ишчиси Мавлуда Собирова.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

ГУЛЛАР МАСКАНИ

Файзли даргоҳга кириб боришингиз билан дов-дарахтлар, анвойи гуллар эътиборингизни тортади. Мусаффо ҳаво, шифобахш сув ҳар қандай дардга даво. Чортоқ туманидаги «Эркин» сиҳатгоҳи тажрибали мутахассис Эркин Ариббоев томонидан хусусийлаштириб олинганидан сўнг, чирой очди. Янги боғлар, гулзорлар барпо этилди. Дам олувчилар учун қулай шароит яратилди. Бош шифокор муолажалар талаб даражада бўлишига, таомлар мазали ва ранг-баранг тайёрланишига алоҳида эътиборни қаратди. Шу боис, бу ерга келувчилар сони кўпайиб боряпти.

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашларича, бу шифо масканида ҳар йили ўрта ҳисобда 1500 киши кўнгилли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Дастурхондаги неъматлар ўзингдан чиққанига нима етсин. 4 гектар ерда сабзавот, ошкўклар етиштирилмоқда. Бир гектарли боғ шиғил ҳосилга кирган. Буларнинг ҳаммаси соғломлаштириш тадбирларини кўнгилдагидек амалга оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

С.УСМОНОВ,
И.РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Уларни ким деб атайлик?

НОШУДЛИК

Ҳар бир инсон кўпга нафим тегсин, ҳаётда мендан яхши ном қолсин, дея куйиб-пишиб меҳнат қилади. Баъзида қийинчиликларни енгиш йўлида сабот, матонат кўрсатади. Муборак юртимизда ўзининг ажойиб фазилатлари, яратувчилик ишлари билан катта обрў-эътибор қозонган табаррук кишилар жуда кўп. Уларнинг ҳаёти, гўзал фазилати барчамиз учун намунадир.

Аммо шундай кимсалар ҳам борки, улар фақат ўзларини, шахсий манфаатларини ўйлайдилар. Кимларгадир зиён-заҳмат етказиб бўлсада, бойлик орттиришдан тап тортмайдилар. Кейинги пайтларда Фарғона вилояти ҳудудларида ҳам сим ўғрилари пайдо бўлди. Ноинсоф кимсалар асосан кечалари муҳим восита ролини ўтаётган кабелларни, алоқа тармоқларини узиб, ўмаришни одат қилишди. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, вилоят ҳудудида бир йилда 150 дан зиёд кабел ўғирлаш, олти марта кабел узиш ҳоллари рўй берган. Алоқа тармоғининг ишдан чиқиши оқибатида 360 минг 855 соат алоқа тармоқлари ишламаган. Халқаро йўналишларда 43 та кабел ўғирлаш содир этилди. Бунинг пировард-натижаси ҳам қимматга тушди. Боз устига, одамлар асабийлашдилар, қанчадан-қанча вақт зое кетди.

Бу ҳол ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини жиддий ўйлашга, қатъий чоралар кўришга ундади. Кабел ўғирлаш ҳолларига барҳам бериш мақсадида аниқ тадбир ишлаб чиқилди. Жойларда, айниқса саноат корхоналари атрофларида назорат кучайтирилди. Маҳалла фаоллари, кўнгиллилар ҳам бу ишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшдилар. Натижада кутилган натижага эришила бошланди.

Андрей Лохманов ва Шукур Қўзиевлар «Фарғонателеком» ОТАЖ алоқа техника хизматида электромонтёр бўлиб ишлашарди. Жумабой Рўзибоев эса 27-автомат телефон станциясида муҳандис эди. Қарангки, шу соҳанинг раҳбарларидан бири, қутлуғ даргоҳда ишлаб, бола-чақа боқаётган Рўзибоев ёшларни тарбиялаш, уларга касб сирларини пухта ўргатиш, тўғри йўлга бошлаш ўрнига сим ўғирлашга ундаган. Эгри қўллар тезда тузоққа илиндилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра, айбдор деб топилган А.Лохманов, Ш.Қўзиев ва Ж.Рўзибоев суд ҳукмига кўра муносиб жазоларини олдилар.

Кишини бир нарса ўйлантиради. Кўрилаётган қатъий чораларга қарамай, оз бўлсада, сим ўғирлаш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари рейд ўтказганларида, кўча тўзғитиб юрган Н.Омонқулов, Д.Мирзаахмедов, А.Царик, Қ.Домлажонов, Ш.Мухторов, Қ.Мансуров каби кимсалар ўғрилик устида қўлга олиндилар. Энди улар минг бора пушаймон қилишмоқда. Бироқ жиноятга жазо муқаррар. Эл мулкига кўз олайтирган, инсофни унутган, пировард-натижада эл-юрт олдида шармисор бўлганлар қисмати кимлар учундир сабоқ бўлиши керак.

А.ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA

ТЕЛ-АВИВ. Исроил бош вазири Ариэл Шарон АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан бўлган музокарада Фаластин экстремистик ташкилотлари яҳудийларга нисбатан террорчилик ҳаракатларини бутунлай тўхтатиши лозимлигини айтди. Исроил ҳукумати шундагина можарони тинч йўл билан ҳал қилиш лойиҳасини ижро этишга киришади, деди у.

* * *

ҒАЗО. Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Женин шаҳри яқинида бир яҳудийнинг ўлдирилишини қоралаб, тегишли идораларга ушбу жиноятни содир этган қотилни излаб топиш ва жазога тортиш тўғрисида кўрсатма берди.

Хабарларга кўра, икки нафар исроиллик ўз автомобилида кетаётган чоғида номаълум кишилар томонидан ўққа тутилган. Улардан бири шу ернинг ўзида жон берган, иккинчиси яралланган.

* * *

ВАШИНГТОН. Нью-Йорк штатида фуқароларнинг автомобилни бошқариш вақтида уяли алоқа телефондан фойдаланишни тақиқловчи қонун қабул қилинди. Бу қонун 1 ноябрдан бошлаб кучга киради. Янги қонунга кўра, қоидабузар ҳайдовчиларга турли миқдорда жарима солинади.

* * *

ПЕКИН. Хитой ҳукумати Эронга кимёвий қурол яратиш учун зарур материалларни етказиб бергани ҳақида АҚШ томонидан билдирилган айбловни рад этди. Хитой кимёвий қуроллар, технология ва эҳтиёт қисмларни экспорт қилишни тақиқлаш ҳақидаги конвенция шартларини ҳеч қачон бузмайди ва АҚШнинг бу айблови уйдирмадан бошқа нарса эмас, деди мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили.

* * *

ТОКИО. Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми ҳукумат раҳбари сифатида биринчи бор хорижий сафарга чиқди. У дастлаб АҚШга ташриф буюриб, Оқ уй раҳбари Жорж Буш билан музокара ўтказади. Сўнг, Буюк Британия ва Франция меҳмон бўлади. Учрашувларда давлатлар ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтириш, минтақавий хавфсизлик, Киото протоколи ҳамда АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш дастури билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик кенгаши мажлисида Ироқ ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Риёд ал-Қаисий расмий Бағдод халқаро ташкилот резолюциясида белгиланган талабларни бажарганини маълум қилди. Энди ўн бир йил илгари жорий қилинган халқаро иқтисодий жазо бутунлай бекор қилиниши лозим, деди у. Шунингдек, у АҚШ ва Буюк Британиянинг иқтисодий жазони узайтириш ҳақида БМТга тақдим қилган янги лойиҳасини кескин қоралади.

(ЎзА)

NIMA GAP

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

«ТУРОН» Кўп тармоқли санаторийси. Юрак-қон-томир, асаб системаси, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари, қандли диабет. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб системаси касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган кишилар даволанади.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб системаси ва сурункали тери касалликлари.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш органлари, суяк-мушак тизими, асаб системаси учун ғоят фойдали.



«ОҚТОШ». Нафас органларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида). Овқат ҳазм қилиш асаб ва таянч ҳаракати системаси учун ғоятда фойдали.

«МИРОҚИ». Асаб системаси ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига мўлжалланган.

«ЧИМЁН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урология касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ЧОРТОҚ». Таянч ҳаракати системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» номли санаторий. Юрак-қон-томир таянч-ҳаракат органлари, катталар ва болалар асаб системаси касалликлари.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик ва андрологик касалликлари.

«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб системаси ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш органлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик касалликлари жуда яхши даволанади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси.

«Авесто»даги тиббий далиллар ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари Рим, Юнон ва араб табобатидан ҳам узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Ундаги тиббий фикрларни тахминан қуйидагича тасниф этиш мумкин:

ТАБОБАТ РАМЗИ

акс этган китоб

1. Ташреҳ (анатомия) ва мижоз (физиология).
2. Хасталикларни олдини олиш воситалари.
3. Касалликлар ҳақидаги маълумотлар.
4. Беморларни даволаш йўллари.
5. Табибларнинг ахлоқи ва табобатга оид баъзи қонун-қоидалар.

«Авесто»да инсон организми мушак, суяк, тери, мия, бадан юнги, томир ва қонга (асаб ва мия — ерга, бадан туки дарахтга ўхшатилган), бадандаги томирлар ва оқ, яъни қонсиз томирлар (асаб)га бўлинган.

Баданнинг қуввати эса жон, виждон, равон (тан), идрок ва азалий (қадимий) руҳ каби 5 қисмга бўлинган. Мижоз эса ҳарорат (иссиқлик), рутубат (совуқлик), брудат (намлик) ва қуруқликка бўлинган. «Жигар қон манбаи бўлиб, ўнг томонда жойлашган» дейилади.

«Авесто»да сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда қабристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда ташкил этиш, ўраб қўйиш, мурдашўйларнинг махсус тозаликка риоя қилиши, мурда теккан либос, палос, ерларни қатрон қилиш хусусида фикрлар мавжуд. Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудуқларни бир неча бор қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш) таъкидланган. «Унинг (сувнинг) устига уч марта ёмғир ёғиб ўтсин, сўнгра у олдингидек инсон ва ҳайвон ичадиган сувга айланади». Ахурамаздо таъкидлаганидек, ўтўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган ер энг ёмон заминдир. Ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинган. Инсон яшаётган хонадаги обрез-хонада ювиниш ва чўмилиш қатъиян ман этилган. «Авесто»даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микроблар йўқотилган.

2. Иссиқлик ва совуқлик йўли билан йўқотиш. «Авесто»да оташ покловчи ва офатни кеткизувчи восита. У билан, ҳатто, кийим-кечаклар зарарсизлантирилган.

3. Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфанд, мехак, садаф, пиёз, алой, сандал) билан тугатиш йўли. Буларнинг кўпи ҳозир ҳам микробкушдир. «Вендидот»нинг 5-бобида шамол, ҳайвон, парранда, ҳашаротлар орқали турли касалликларнинг тарқалиши қайд этилган. Касаллик тарқатадиган ҳайвон ва ҳашоратларни йўқотишга даъват этилган ҳолда «Авесто»да уй жониворларини эҳтиёт қилишга даъват кучли бўлган. «Вендидот»да «...сув ёки (ов) итини ўлдирган киши 10000 та барсум, 10000 та руҳиятни тетиклантирадиган ўсимлик баргини топиб бериши лозим. Шунингдек, у 1000 та эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, касал тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим», дейилган.

«Вендидот»нинг 5 ва 17-бобларида доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юзқўлни бир неча марта ювиб туриш, сочни тоза тутиб, тирноқларни тез-тез олиб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан доим тўқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиши лозимлиги уқтирилган. «Авесто»да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик ва пурҳўрлик, руҳий изтироб, бузилган таомни ейиш, тозаликка риоя қилмаслик, Ахриман юборган қурт, пашша ва бошқа ҳашоратлар, ёмон ҳаво касалликларнинг асосий манбаи дейилади.

«Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Шунингдек, унда кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилиб, бир йўла 2-3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади.

«Вендидот»да қасалликларни режим, парҳез, дуо, дори, жарроҳлик йўллари билан даволаш айтилган ва доривор ўсимликларнинг номи берилган: заъфарон, коский, кунжут, кўкнор, сипонд, зира, пиёз, сиёҳдона (яъни седана), савсан, қатрон, найшакар, туруп, хурмо, сабзи, беҳи, шакар, асал, зайтун мойи ва бошқалардан тайёрланган.

Буқротнинг табиблар қасамёди ҳақидаги фикрларидан бир неча аср бурун «Авесто»да табибларнинг махсус қасамномаси келтирилган: табобат рамзи — илон заҳар сочаётган идиш — жом тасвири ҳам илк бор шу китобда тасвирланган. Унда қадимги кишиларнинг ўртача умри 800-900 йил бўлиши, айрим одамлар яшаш шароитига қараб 1400 йилгача умр кўриши мумкинлиги ҳақида хабар берилган.

Хуллас, қадимги аждодларимиз яратган «Авесто» дунёдаги энг қадимий, ноёб билимлар хазинасидир. Унда оламдаги барча — диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран мулоҳазалар мавжуд. Биз Гиппократдан олдин тиббиётнинг нозик жумбоқларини ечган, фалакиёт, мусиқа бўйича шоҳ фикрларни ўртага ташлаган, донишмандлиги, нотиқлиги билан дунё халқларини ўзига эргаштира олган Зардўшт билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ, профессор.

Олтин мерос

Назм бўстонида

МУҲАББАТ ~ СОҒИНМОҚ ФАСЛИ

Малика айладинг ҳижрон қасрига,
Ўз ғариб кулбамдан кетолмадим мен.
Сени вакил айлаб васл асрига,
Ҳатто хаёлда ҳам етолмадим мен.

Суйдим азобингни шаънимдан ортиқ,
Ўзгага кўнглимни сиғинтирмадим.
Бугун ҳасратимни этаман тортиқ,
Фақат сенга ўзни соғинтирмадим.

Малика бўлолдим севги қасрига,
Сени ташлаб кетгум васл асрига.

* * *

Муҳаббат дегани — соғинмоқ фасли,
Айрилиқ фаслида соғинч муҳаббат.

Ишққа етолмаслик — висолдир асли,
Шу висолдир асли — биз сиғинган дард.

Сўнг Карбало дашти... озурда Лайли,
Лайлининг ҳажрида саргардон Мажнун.

Айрилиқ кунларнинг бошланар сайли,
Муҳаббат юртида туйғулар беун...

Ишқингда туғилди яна бир шоир,
Кўксини тишлайди аламгар байир.

Дили Шод БЕГИМ.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ним табассум

ОҚ ҚУМ

Афанди бир оғайниси билан саёҳатга чиқди. Йўлда қатиғи ширинлиги билан донг чиқарган қишлоқда тўхташиб, бир хурма қатиқ сотиб олишди. Афандининг шериги халтачасидаги шакарни ўз олдига сепиб, қатиқни хўриллатаверди. Афанди ердан бир ҳовуч қум олиб, қатиққа сепмоқчи бўлди. Буни кўриб, шеригининг кўзлари ўйнаб кетди.

— Қатиқни кўрсам, қум сепаман деб қасам ичганман, майли, қора қумга кўнмасанг, оқ қумингдан сепа қол!

ЎРИКХЎР

Афанди бир ошнаси билан ўрик сотиб олди. Уни ейишаётган вақтда шериги еган ўригининг данагини яшириб, Афандини уялтирмоқчи бўлди.

— Афанди, ўрик ейишга жуда чаққон эксанс, бирпасда шунча данак қилдингиз.

— Ўрик ейишга мендан ҳам сен чаққон чиқдинг, - деди Афанди. - Ўрикни данаги билан ютишни сендан ўрганса бўларкан.

М.ҚОДИРОВ олган сурат.

Биласизми?

КЎЗБОЙЛОҒИЧ КАШФИЁТИ

Машҳур фотоусталар жонзотларнинг хатти-ҳаракатини ўрганиш мақсадида кетма-кет дақиқаларда олинган фотосуратлардан фойдаланиб кўришди.

Айнан улар тасвирга олувчи аппаратни ишлаб чиқишди. 1874 йили француз астрономи Ж.Жансен 72 сонияда 48 та тасвир туширувчи қурилма яратди.

XIX асрнинг 80-йилларида бир сонияда 10-20 та тасвир туширувчи хронографик қурилма пайдо бўлди. Ўша вақтда тасвир шиша пластинка ёки қоғоз тасмага туширилган.

Тасвирни якка-якка пластинкага тушириш-дан ягона целлулоид тасма ёки«плёнка»га олишга ўтиш бу соҳада муҳим бир қадам бўлди.

ТЕЛЕГРАФОН

XIX аср охирига келиб овоз ёзиш воситаларини ихтиро қилиш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврдаги улкан кашфиётлардан бири телеграфон бўлди.

1900 йили даниялик муҳандис В.Поульсен Париж кўргазмасида янги қурилма — телеграфонни намойиш этди. Қурилманинг вазифаси телефон орқали сўзлашув ва овозни қайта тиклаш билан бириктиришдан иборат эди.

Телеграфон ҳаракати қолдиқ магнетизмга асосланган бўлиб, оҳанрабо тебранишлари доимий тезлик ҳаракатланувчи электроҳанрабо ёрдамида тортилган пўлат симга «ёзилади».

Истеъдод

Бундан 60 йил муқаддам бу мусиқа санъати даргоҳига асос солинган эди. Тошкентдаги Успенский номли Республика болалар мусиқа мактаби учун ўтган давр чинакам ўсиш ва улғайиш йиллари бўлди.

НОДИР ҲОШИМОВ — ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Мустақиллик йилларида мусиқа санъати маскани ўз фаолиятини янада кенгайтирди. Ўқув-тарбия жараёнларида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Ёш мусиқачилар мактабининг халқаро доирадаги нуфузи ошди.

Бу ерда таълим олиб, моҳир чолғучилар бўлиб етишган истеъдодларнинг айримлари ҳозир ривожланган мамлакатларда ўз билим ва ижрочилик маҳоратларини оширмоқдалар. Чунончи, санъат даргоҳининг собиқ ўқувчиси Улуғбек Полвонов мактабни муваффақиятли битириб, Германияда ўқишни давом эттириш учун йўлланма олди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Истеъдодли ёш чолғучиларнинг халқаро муваффақият қозонаётганликларини ҳам мамнуният билан таъкидлаш лозим. Чехия мамлакатида уюштирилган халқаро танловлардан иккитаси мусиқа мактаби истеъдодларига омад келтирди. Остраво шаҳрида бўлиб ўтган танловда мактабнинг духовой оркестри ғолиб деб топилди. Орадан кўп ўтмай пойтахт Прагада ташкил этилган ёш скрипкачилар танловига ҳам бир неча моҳир чолғучи таклиф қилинди. Мактабнинг Президент стипендиати, халқаро танлов ғолиби Нодир Ҳошимов Гран-при соҳиби бўлди. Франция-да ўтказилган ёш скрипкачилар халқаро танловида эса Динора Шахетдинова биринчи даражали мукофотни қўлга киритди.

Республика болалар мусиқа мактаби ўз юбилейини ана шундай ижодий ютуқлар билан кутиб олмоқда.

ҲИКМАТЛАР ДУРДОНАСИ

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, хуш ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган, хиёнат ва макр-хийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср ФОРОБИЙ.

Имкон борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи, у ижобий хусусиятларни ўзлаштириш ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин.

Воиз ал-КОШИФИЙ.

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан ҳам маҳобатлирокдир.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ.

Боланинг саломати ва саодати учун энг яхши тарбия қилмоқ, танни пок тутмак, ёш вақтида маслакни тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан асраб ўстирмакдур.

Абдулла АВЛОНИЙ.

Туғилишданоқ парвозга шай бўлиш энг олий саодатдир.

АРИСТОФАН.



И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Шахмат жаҳон адабиёти дурдоналарида

Жаҳон маданиятининг буюк намоёндаларидан Фирдавсий, Низомий, Навоий, Сервантес, Менделеев ва бошқалар қадимий ақл-идрок ўйини — шахматни ҳаётга қиёс этишган. Бинобарин, шахмат инсон қалбидан қайнаб чиққан туйғулар, ёлқинли хислар, ақл-тафаккур билан омухталашади.

Шахмат тахтасининг ҳар бир катагида сирли олам яширинган. У кишини мушоҳада тарозусида тортилган фикрлар, жўшқин хислар гирдобига, кураш майдонига етаклайди. Инсон қалби доимо янгилик учун курашади. Шахматда янгидан-янги қарашлар, талқинлар, фикр-ғоялар кураши ҳукмрон. Бу ҳам инсоннинг руҳи ва тафаккурида юз берган навбатдаги муайянлашувнинг ифодасидир. Кўҳна ва ҳамиша навқирон шахмат шу боисдан ҳам улуғ зотларнинг йўлдоши бўлган, забардаст сўз сохибларининг наздидан тушмаган.

«МИНГ БИР КЕЧА»ДАН

«Минг бир кеча» — узоқ ўтмишдаги ажойиб воқеалар юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаб берилган асардир. У ўзида акс эттирилган ва ёритилган мавзуларнинг кўплиги, ранг-баранглиги билан ҳам жаҳон адабиёти хазинасидан алоҳида ўрин олган, ҳамма халқлар орасида шуҳрат қозонган.

Турли-туман саргузашт воқеалар орасида шатранж — шахмат тахтасидаги ибратли тўқнашувлар, бир томондан, бу қадимий ақл-идрок ўйинининг асл ватани Шарқ эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, унда ғолиб чиқувчи қаҳрамонлар — донолар хотин-қизлар эканлиги билан жозибали ҳамда қимматлидир. «Минг бир кеча»нинг ҳақиқат излари бор афсоналаридан парчалар келтирамиз.

437-, 462-КЕЧАЛАР

«...Абул Ҳасаннинг барча мол-мулки тугаб, шу канизакдан бошқа ҳеч вақоси қолмагач, уч кунгача таом таъмини тотмабди, ухлаб уйқудан роҳатланмабди. Шунда канизак: «Эй бегим, мени мўъминлар амири, аббосийларнинг бешинчиси Ҳорун ар-Рашид ҳузурига олиб борингда, ундан менга ўн минг динор ҳақ сўранг: агар у қиммат деса, «Канизагимнинг баҳоси бундан ҳам ортиқ, имтиҳон қилиб кўрсангиз, қадру қиммати маълум бўлади. Бу канизакнинг тенги йўқ, у сиздан бошқага лойиқ эмас, деб айтинг» дебди.

Хожаси канизакнинг қадрини билмаганидек, унинг замонида тенги йўқлигини ҳам англамас экан. Ниҳоят, хожаси канизакни Ҳорун ар-Рашид ҳузурига олиб бориб, унга тақдим этибди ва канизак айтган гапларни такрорлабди. Халифа канизакдан: «Исминг нима?» деб сўрабди. У: «Исмим Таваддуд» дебди. Халифа сўрабди: «Эй, Таваддуд, илмлардан қайсинисини яхши биласан?».



Таваддуд айтибди: «Эй халифа, мен сарф-наҳфни, шеъриятни, қонуншуносликни, Қуръонни шарҳлаш, шунингдек, мусиқий илмни, ҳисобни, ер ўлчаш илмини... биламан. Яна, мен раият, сиёсат, ҳандаса, фалсафа, ҳикмат илмларини, мантиқни биламан. Фасоҳат-балоғат ва кўп хил илмлар хотирамда сақланиб қолган... Қисқаси, мен илмда камол топган кишиларгина биладиган билимларни билиб олганман.»

Орадан кўп ўтмай, уламо-фузалолар халифа саройига йиғилибдилар. Мўминлар амири уларни ўз қароргоҳига тўплабди. Халифа «Канизак Таваддуд ҳозир бўлсин» деб буюрибди. Таваддуд ёруғ юлдуздек ярқираб кириб келиб, ўтирганларга таъзим қилибди. Унга ўтириши учун олтин курси келтириб қўйибдилар. Таваддуд йиғилганларга яна бир бор салом бериб фасоҳат ила сўзлабди: «Эй мўминлар амири, буюринг, шу мажлисда ҳозир бўлган уламолар, қозилар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар, файласуфлар мен билан мунозарага киришсинлар.»

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Амир ал - Мўминин уларга айтибди: «Сизлардан тилагим шуки, бу канизак билан мунозарага киришиб, у даъво қилган ҳар бир илмга оид ҳужжатларини рад қилсанглар.»

Навбати билан табиб, мунажжиму файласуфларнинг барчаси илм бобида канизакнинг ўта билимдон эканлигини тан олишибди.

Сўнгра амир ал - Мўминин айтибди: «Эй Таваддуд, сен ваъда қилган нарсалардан яна бири қолди, у шатранждир.»

МАРОҚЛИ МАШҚ

Оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.

(Давоми бор).

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6